

## АРАБ КЛАССИК АСАРЛАРИДА “СЎЗ” ТУШУНЧАСИ

Жўраева Мадина Абдужалиловна(Phd)

Alfraganus university

Шарқ филологияси кафедраси ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация.** Мазкур мақолада классик араб тилшунослигида “Сўз” тушунчаси ва мумтоз асарларда мазкур иборанинг таърифи, тилшуносликдаги муҳим илмий ўрни ҳақида сўз кетади. Хусусан, Замахшарий ва Жомийнинг “сўз” ҳақидаги илмий қарашлари, баҳслари, илмий муносабатлари келтириб, шарҳланади.

**Калит сўзлар.** Араб тили, Замахшарий, калима, калом, Жомий, сўз, гап.

Араб классик асарларида “сўз” тушунчаси борасида жуда кўплаб илмий маълумотларни учратиш мумкин. Хусусан, Замахшарий, Ибн Хожиб ва Абдурахмон Жомий асарларида араб тилидаги “сўз” тушунчаси кенг ёритилган.

Абдурахмон Жомий айтадики: الكلمة- قيل هي و الكلام مشتقان من الكلم بتسكين اللّام و هو الجرحُ لتأثير معانيهما في النفوس كالجرح وقد عبّر بعض الشعراء عن بعض تأثيراتهما بالجرح حيثُ قال شاعر:

جَرَاحَاتِ السَّنَانِ لَهَا الْإِتِّمَامُ

وَلَا يُلْتَمَأُ مَا جَرَحَ اللِّسَانُ<sup>1</sup>

«الكلمة» – (сўз) ва الكلام сўзлари «الكلم» сўзидан олинган. Бу сўзнинг ўрта харфи, яъни ل (lām) [sukūn]лидир. Шунингдек, الكلم сўзи «жароҳат» деган маънони англатади. Сўзларнинг маънолари кўнгилга жароҳат каби таъсир қилади. Баъзи шоирлар, сўзларни жароҳат каби таъсир қилишини шундай таърифлашган: Тиғларнинг жароҳати тузалади,

Лекин тилнинг жароҳатида тузалиш бўлмас.

(ёки Тиғлар жароҳатин бордир давоси,

Тиллар жароҳатин йўқдир давоси )»

<sup>1</sup> (FZ.4b)

Юқорида Жомий *الكلمة* ва *الكلام* сўзларининг ҳосиласи ва уларнинг туб маъноси аслида бир хил эканлигини изоҳлайди. Аммо, яна бир машҳур наҳвшунос олим Маҳмуд Замахшарий «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарида *الكلمة مفرد* яъни «Сўз битта (бирлик)дир»<sup>2</sup>, - дея изоҳлайди. Ҳ.Носиф ва М.Дийабнинг «Ал-дурусун-наҳвия» китобида *الكلام* (ал-калом)га қуйидагича таъриф берилади: «Сўзлардан тугал маъно ифода этадиган жумлалар тузилади. Булар калом (гап) дейилади».

Шунингдек, Жомий *الكلم* сўзини изоҳлаб, қуйидагиларни келтиради: *الكلم* " - <sup>3</sup> *بِكْسُر اللّامِ جِنْسٌ لَا جَمْعَ كَتَمْرٍ وَتَمْرَةٌ بِدَلِيلِ قَوْلِهِ تَعَالَى: "إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ وَالْعَمَلُ الصَّالِحُ"* - «*الكلم* - сўзида ل – лом [kasra]ли келса, бунда сўз кўплик маъносида эмас, балки сўзнинг бирлик шаклини ифодалаб келади. Бу *تمر* хурмо ва *تمرّة* – битта хурмо деганга ўхшаш» – деб изоҳлайди. Шунингдек, бунга Жомий Қуръони каримдан мисол келтиради: "*إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ*" – «(Ҳар бир) ёқимли сўз Унинг ҳузури сари чиқур»<sup>4</sup> («Фотир» сураси, 10- оят).

Жомий оятдаги *الكلم* сўзини шарҳлаб, бу борада бир неча уламолар жумладан Ар-Розийнинг фикрларини келтириб ўтади:

"*وَقِيلَ جَمْعٌ حَيْثُ لَا يَقَعُ إِلَّا عَلَى الثَّلَاثِ فَصَاعِدًا وَ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ يُؤَوَّلُ بِبَعْضِ الْكَلِمِ*"<sup>5</sup> - «*الكلم*» - "و قِيلَ جَمْعٌ حَيْثُ لَا يَقَعُ إِلَّا عَلَى الثَّلَاثِ فَصَاعِدًا وَ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ يُؤَوَّلُ بِبَعْضِ الْكَلِمِ" кўпликдир, *الكلم* учта ёки ундан кўп бўлган сўзларнинг бирикмаси дейилади. Оятдаги *الكلم الطَّيِّبُ* эса, бир неча сўзлардан ташкил топгандир», – дея баъзи уламолар сўз юритишади» дейди.

Демак, араб наҳвида, *الكلم* сўзи бирлик ва кўплик маъносида ҳам қўлланилиши мумкин экан.

Маълумки, араб тили грамматикасида *ال* аниқлик артикли дунёда ягона бўлган предметни ифодаловчи ёки исм сўз туркумига кирувчи олдиндан маълум бўлган сўз олдида қўйилади. Аммо ҳозирги араб тили

<sup>2</sup>Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Б. 79.

<sup>3</sup> (FZ.4b)

<sup>4</sup>Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Б. 435.

<sup>5</sup> (FZ.4b)

грамматикаларида ال аниқлик артиклини бундай сўзлар олдида келишига нисбатан العهد الخارجي истилоҳи ишлатилишини кўрмаймиз.

Демак, Абдурахмон Жомий الكلمة ва الكلام сўзларига таъриф берар экан, аввало бу сўзнинг ўзагини ва уларнинг туб маъносини мукамал шарҳлаган. Жумладан, бу икки сўзнинг كلم «klm» ўзагидан ясалгани. Бу сўзнинг «lām»и «sukūn»ли бўлса, (ўзак сўз) «жароҳат», деган маънони англатиши, агар «الكلم» - сўзида ل – lām [kasra]ли келса, бунда сўз ҳам бирлик ҳам кўплик маъносида ифодаланишини айтиб ўтган. Шунингдек, Жомий حرف ҳарф туркумига кирувчи сўзларни ва صوت товуш сўзларини (الكلمة) «сўз» санамайди. Жомийдан аввалги наҳшунос олимлар ушбу сўзларни Жомий каби туб маъносини шарҳлашмаган, фақат уларга умумий таърифни келтириб ўтиш билан чекланганлар.

Жомий الكلمة, яъни «сўз»ни اسم - «исм», فعل - «фeъл» ва حرف – «харф»дан иборат бўлиб, «сўз» мана шу уч қисм билан чегараланишини изоҳлайди. Шунингдек, ҳарф туркуми – исм ва фeъл гуруҳларидан мустақил маънога эга эмаслиги билан ажралиб туради. Фeъл эса, ҳарф туркумидан мустақил маъно бериши билан фарқланади. Шунингдек, фeъл – исмдан замон билан бирга келиши, исм эса ҳарфдан мустақил маъно англатиши билан фарқланишини ҳам таъкидлайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» (Шарҳ Кофия). ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. №9665. – 280 в.
2. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Б. 435.
3. Носирова М. «Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» рисоласи. – Т.: (ТошДШИ). 2005. – Б. 188.
4. Носиров О., Юсупов М. «Ан-На’им» арабча-ўзбекча луғати. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 958.